
Чорвачилик - қут-барака манбаи

Туман ҳокими Шерзоджон Юлдашев бугун “Туюл” маҳалласида жойлашган “Тоирхон Эшон” чорвачиликка ихтисослашган фермер хўжалиги фаолияти билан яқиндан танишди. Иномхўжа Бузруков раҳбарлик қилаётган мазкур кўп тармоқли фермер хўжалиги ҳам чорвачилик кластери сифатида фаолият кўрсатмоқда.

2019 йилда ташкил топган фермер хўжалигида дастлаб, насли қорамоллар 76 бош бўлган бўлса, бугунга келиб уларнинг сони 270 тага етган.

Хўжалик фермасида бугун 270 бош насли қорамол билан биргаликда, 45 та от, 150 та қўй ва 9 та туя ҳам парваришланмоқда. Қайд этилишича, ҳар бош сигир кунига ўртача 22 литр атрофида сут беради.

Жами 70 гектар майдонга эга хўжаликнинг 54 гектарида чорва учун озуқа экинлари етиштирилади.

30 нафарга яқин ишчилар фаолият кўрсатаётган чорва комплексини янада ривожлантириш юзасидан истиқболли лойиҳалар билан танишилди.

Хусусан, фермер хўжалиги раҳбари томонидан ушбу масканда гўшт ва сутни қайта ишлаш корхонаси ҳамда замонавий кушхона ташкил этиш режалари ҳақида маълум қилинди. Эҳтиёждан келиб чиқиб, хўжаликда чорва озуқа экинларини етиштириш учун белгиланган тартибда қўшимча ер майдони ажратиш чоралари муҳокама қилинди.

2024-09-26 19:40:52